

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ: НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Назаров Шавкат Назарович

Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири, юридик фанлар номзоди, доцент E-mail: [sh.nazarov@tsul.uz](mailto:sh.nazarov@tsul.uz)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17196895>

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистонда ижтимоий шериклик институционал механизмларининг 2005-2023 йиллар оралиғидаги ривожланиш босқичлари таҳлил қилинади. Муаллиф давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиб, уларнинг институционал механизмларга таъсирини баҳолайди. Тадқиқотда Президент қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида ижтимоий шериклик тизимининг ташкилий-институционал, молиявий, мониторинг ва ахборот-коммуникатив механизмларининг шаклланиши жараёни кўриб чиқилган. “Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида маҳалла институтининг ролини кучайтириш масалалари батафсил таҳлил этилади.

**Калит сўзлар:** Ижтимоий шериклик эволюцияси, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, институционал механизмлар, Президент фармонлари, фуқаролик жамияти институтлари, маҳалла институти, Ўзбекистон-2030 стратегияси, жамоат кенгашлари, ташкилий-институционал механизмлар, молиявий қўллаб-қувватлаш

## ЭВОЛЮЦИЯ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫХ МЕХАНИЗМОВ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЕРСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ: АНАЛИЗ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ ДОКУМЕНТОВ

Назаров Шавкат Назарович

Заведующий кафедрой Ташкентского государственного юридического университета, кандидат юридических наук, доцент

E-mail: [sh.nazarov@tsul.uz](mailto:sh.nazarov@tsul.uz)

**Аннотация:** В статье анализируются этапы развития институциональных механизмов социального партнерства в Узбекистане в период 2005-2023 годов. Автор изучает основные нормативно-правовые документы, регулирующие сотрудничество между государственными органами и институтами гражданского общества, оценивая их влияние на институциональные механизмы. В исследовании на основе указов и постановлений Президента, постановлений Кабинета Министров рассматривается процесс формирования организационно-институциональных, финансовых, мониторинговых и информационно-коммуникативных механизмов системы социального партнерства. Детально анализируются вопросы усиления роли института махалли в рамках стратегии “Узбекистан-2030”.

**Ключевые слова:** Эволюция социального партнерства, нормативно-правовые документы, институциональные механизмы, указы Президента, институты гражданского общества, институт махалли, стратегия Узбекистан-2030, общественные советы, организационно-институциональные механизмы, финансовая поддержка.

## UZBEKISTAN: ANALYSIS OF LEGAL AND REGULATORY DOCUMENTS

Shavkat Nazarov

Head of Department, Tashkent State University of Law, PhD in Law, Associate Professor  
E-mail: sh.nazarov@tsul.uz

**Annotation:** The article analyzes the development stages of institutional mechanisms of social partnership in Uzbekistan during 2005-2023. The author examines key legal and regulatory documents governing cooperation between state bodies and civil society institutions, assessing their impact on institutional mechanisms. The research reviews the formation process of organizational-institutional, financial, monitoring and information-communication mechanisms of the social partnership system based on Presidential decrees and resolutions, Cabinet of Ministers resolutions. The issues of strengthening the role of the mahalla institution within the framework of the "Uzbekistan-2030" strategy are analyzed in detail.

**Key words:** Social partnership evolution, legal and regulatory documents, institutional mechanisms, Presidential decrees, civil society institutions, mahalla institution, Uzbekistan-2030 strategy, public councils, organizational-institutional mechanisms, financial support

Ижтимоий шериклик – бу давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал қилиш мақсадида ўрнатилган барқарор ва институционаллашган алоқалар тизимидир<sup>1</sup>. Бу шерикликнинг аҳамияти шундаки, у давлат бошқарувининг самарадорлигини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат қарорларини қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш ва фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришга имкон беради.

Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганар эканмиз, бир қатор масалаларга эътибор қаратиш зарур. Шунинг таъкидлаш жоизки, “фуқаролик жамияти институтлари давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга оширишда муҳим ҳамкор ҳисобланади. Улар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя дастурларини амалга ошириш ва мониторинг қилишда фаол иштирок этади”<sup>2</sup>.

Фуқаролик жамияти институтлари халқаро майдонда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, глобал муаммоларни ҳал этиш ва халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш орқали муҳим роль ўйнайди<sup>3</sup>. Б.Наримановнинг фикрича, “жамоатчилик назоратини амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, жамоат кенгашларини ташкил этиш орқали аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш зарур”<sup>4</sup>.

Ф.Х. Отахонов таъкидлаганидек, “Ижтимоий шериклик субъектларининг мақсадларидан келиб чиқиб, қурилган ҳамкорлик модели ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари билан

<sup>1</sup> Башмаков В.И. Социальное партнерство в России: пути становления // Уровень жизни населения регионов России. – 2013. – Т. 1. – № 10. – С. 60-70.

<sup>2</sup> Gough I. Heat, Greed and Human Need: Climate Change, Capitalism and Sustainable Wellbeing. 2017. P. 160

<sup>3</sup> Brand U., Görg C., Wissen M. Second order condensations of societal power relations: environmental politics and internationalization of the state // Antipode. 2011. Vol. 43(1). P. 149-175

<sup>4</sup> Нариманов, Б. (2023). Некоторые вопросы правового регулирования предпринимательской деятельности негосударственных организаций. World Bulletin of Management and Law (WBML), 18, 139-145.

ўзаро ҳамкорликнинг янгича институционал механизмини яратишга хизмат қилади”<sup>5</sup>. Тадқиқотимиз давомида аниқланганидек, ушбу институционал механизмлар жамият ҳаётининг турли жабҳаларида нодавлат ташкилотларнинг фаоллигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда, айниқса таълим ва соғлиқни сақлаш каби муҳим соҳаларда.

Ш.Б. Мажидов таъкидлайдики, “Фуқаролик жамияти институтлари ва давлат ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг рақамлаштирилган платформалари ҳамкорликнинг янги шакллари яратиб, қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг янги моделини таклиф этади”<sup>6</sup>. Бизнинг фикримизча, мазкур ёндашув бугунги рақамлаштириш жараёнлари доирасида алоҳида аҳамият касб этади ва рақамли платформалар фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада самарали қилишга хизмат қилади.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг институционал механизмларини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси **Президентининг 2005 йил 23 июндаги ПҚ-107-сонли қарори** алоҳида методологик аҳамият касб этади. Мазкур қарор ижтимоий шерикликнинг институционал асосларини шакллантиришга қаратилган дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири сифатида эътироф этилиши мумкин<sup>7</sup>.

Қарорда белгиланган институционал механизмларнинг концептуал таҳлили куйидаги хулосаларга келиш имконини беради. **Биринчи**, қарор ижтимоий шерикликнинг молиявий механизмларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратган. Хусусан, Нодавлат ноижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилиши ва унинг молиялаштириш манбаларининг аниқ белгиланиши бунинг яққол мисолидир.

**Иккинчи**, қарорда ижтимоий шерикликнинг институционал-ташкилий механизмлари ҳам белгилаб берилган. Бу борада, айниқса, давлат органларининг нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг моддий-техник, ташкилий ва ахборот қўллаб-қувватлаш каби йўналишларининг белгиланиши алоҳида аҳамиятга эга.

**Учинчи**, қарорда ижтимоий шерикликнинг мониторинг механизмлари ҳам назарда тутилган. Жумладан, Нодавлат ноижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолияти устидан назоратнинг амалга оширилиши, шунингдек қарор ижросининг мунтазам мониторинг қилиб борилиши белгиланган.

**Тўртинчи**, қарорда ижтимоий шерикликнинг ахборот-коммуникатив механизмлари ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, оммавий ахборот воситаларига нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятини кенг ёритиш, уларнинг ижобий тажрибасини тарғиб қилиш вазифаси юклатилган.

Ушбу соҳадаги яна бир муҳим стратегик ҳужжат сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонини

<sup>5</sup> Отахонов Ф.Х. Ўзбекистонда ижтимоий шериклик механизмларининг ҳуқуқий асослари // Жамият ва қонун. – 2020. – № 2. – Б. 23-29.

<sup>6</sup> Мажидов Ш.Б. Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат ва нодавлат секторларнинг ҳамкорлик масалалари // Ҳуқуқ ва жамият. – 2022. – № 3. – Б. 75-84.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларининг шаклланишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 23 июндаги ПҚ-107-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 180-модда.

кўрсатиш мумкин. Ушбу ҳужжат ижтимоий шериклик институтини ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Фармонда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг кўйидаги институционал механизмлари белгиланган:

Ушбу фармон билан “давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш” белгиланган. Бу эса давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шерикликнинг янги шакллари ривожлантиришга тurtки бўлди. Хусусан, давлат органлари қошида жамоат кенгашлари тузилиши ижтимоий шерикликнинг институционал механизми сифатида шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5430-сон Фармони ижтимоий шериклик доирасида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг кўйидаги институционал механизмлари белгиланган<sup>8</sup>:

**Биринчидан**, фармон давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмларини йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратган. Бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эҳтиёжлари тизимли таҳлил қилиниб, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўзаро фикр алмашиш учун самарали майдонлар яратилиши назарда тутилган.

**Иккинчидан**, фармон билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб қилиш механизми такомиллаштирилди. Бу эса барча ижтимоий гуруҳларнинг турли нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олиш имконини беради.

**Учинчидан**, етарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг қўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмаганлиги таъкидланган.

**Тўртинчидан**, мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаётганлиги кўрсатиб ўтилган<sup>9</sup>.

Фармон билан белгиланган ушбу механизмлар давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. Бироқ бу

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5430-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2018 й., 06/18/5430/1164-сон.

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5430-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.05.2018 й., 06/18/5430/1164-сон.

борада ҳали ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам мавжуд бўлиб, уларни босқичма-босқич амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони 74-бандида маҳалланинг жамоатчилик ҳамда давлат органлари ўртасидаги “таянч кўприк” сифатидаги ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор муҳим нормалар белгиланган<sup>10</sup>:

**Биринчидан**, маҳалланинг маблағларини аҳолининг овозига кўра, инфратузилма лойиҳаларига йўналтириш амалиётини жорий қилиш белгиланган. Бу орқали маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этиш учун ажратиладиган маблағлар миқдорини камида 3 баробар кўпайтириш режалаштирилган. Бу норма маҳалла институтининг молиявий мустақиллигини оширишга ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

**Иккинчидан**, аҳоли ташаббуси билан инфратузилмани яхшилашга ажратиладиган маблағларни 24 триллион сўмга етказиш вазифаси қўйилган. Бу маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида фуқаролар иштирокини кенгайтириш имконини беради.

**Учинчидан**, маҳаллаларда 100 дан ортиқ давлат хизматларини «бир қадам»да кўрсатишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу норма маҳаллани давлат ва жамият ўртасидаги самарали боғловчи бўғинга айлантиришга қаратилган.

**Тўртинчидан**, маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни 100 фоиз рақамлаштириб, ҳар бир маҳаллада “электрон хизмат нуқталари”ни ишга тушириш белгиланган. Бу эса маҳалла фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади<sup>11</sup>.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорининг 4-иловасида белгиланган чора-тадбирлар режаси ижтимоий шериклик доирасида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг институционал механизмларини такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжат ҳисобланади<sup>12</sup>.

Таҳлилларимиз натижасида мазкур режада белгиланган чора-тадбирларни қўйидаги йўналишларга ажратиш мумкин. **Биринчи йўналиш** - норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. Бунда нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг алоҳида бўлинмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низом, жамоат фондларининг дастлабки маблағларини шакллантириш ва уларнинг тижорат ташкилотлари фаолиятидаги иштироки масалалари бўйича қарор лойиҳаларини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Бу эса ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/1234-сон.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/1234-сон.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ-2085-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - 2014. - №11. - 126-модда.

**Иккинчи йўналиш** – давлат дастурларини амалга оширишда ижтимоий шерикликни кенгайтириш. Хусусан, режада соғлиқни сақлаш, таълим, бандликни таъминлаш, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида ижтимоий, гуманитар ривожланиш дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси қўйилган.

**Учинчи йўналиш** – хайрия фаолиятини рағбатлантириш механизмларини ривожлантириш. Режада нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фойдали фаолиятида аҳоли, жисмоний ва юридик шахсларнинг фаол иштирокини рағбатлантиришга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш назарда тутилган. Бу эса ижтимоий шерикликнинг молиявий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тўртинчи йўналиш** – мониторинг тизимини такомиллаштириш. Режада тармоқ, минтақавий ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этишнинг самарадорлиги мониторингини олиб бориш механизмларини такомиллаштириш назарда тутилган.

**Юқорида ўтказилган таҳлилларни умумлаштириб, қуйидаги илмий-назарий хулосаларни шакллантириш мумкин:**

1. Ижтимоий шериклик механизмларини ривожлантиришда халқаро тажрибани ўрганиш ва Ўзбекистон шароитига мослаштирилган моделларни жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда айниқса Скандинавия мамлакатлари, Германия, Буюк Британия каби ривожланган мамлакатлар тажрибасини миллий қадриятларга мослаштирган ҳолда қўллаш зарур.

2. Тадқиқот натижаларига кўра, ижтимоий шериклик механизмларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

ижтимоий буюртмаларни шакллантириш ва жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат ресурсларини ажратиш тартибини оптималлаштириш.